

Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 16 июнь, № 21 (256) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Бугунги сонда:

2-бет: Эл ризқиға ҳиёнат

Товламачилар 3-бет:

4-бет: Тиббий ўғитлар

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ДУШАНБЕ, 15 июнь. Ўза махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади: Бугун Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди.

Тожикистон президентининг қароргоҳида икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтакавий муаммолар ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг музокараларида узаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини

мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик куламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.


Музокаралардан сунг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзолади.

Ислон Каримовнинг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан Ислон Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Юбилей иншоотлари қурилишида ЯНА ИККИТА ЯНГИ КЎПРИК

Улкан бунёдкорлик майдонига айланган Тошкент шаҳрида ҳар йили янгида янги иншоотлар, кўркам бинолар, кенг ва раво йўللар ишга туширилмоқда. Бу йил ҳам шаҳар ҳаётида катта воқеага айланадиган иккита янги замонавий кўприк қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Уларнинг бири «Халқлар дўстлиги» шох кўчасининг «Отчопар»



бозори билан туташтирувчи қисмида, иккинчиси эса «София» шох кўчасини Юнусободнинг «Аҳмад Дониш» кўчасига боғловчи ерида барпо этиляпти. Бу янги ҳар томонлама кулай кўприклар ишга туширилгач, мамлакатимиз пойтахтида транспорт катновини янада яхшилашда янги имкониятлар юзга келади. Суратда: «Аҳмад Дониш — 2» янги кўприги қурилишидан акад.

Муносабат

УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МЕЗОНИ

Шу кунларда Президентимиз Ислон Каримовнинг «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига берган жавоблари халқимиз томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Утказилаётган йилгиликларда сўзга чиққан нотиклар Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат бўлиши учун чиндан ҳам халқимизни порлоқ истиқбол сари йўналтирувчи ягона миллий ғоя, миллий истиқлол мафқураси кераклиги ва унинг аҳамияти хусусида жон куйдириб гапирмоқдалар.

Дарҳақиқат, ягона миллий ғоя миллатимизни, халқимизни ўзи танлаган йўлдан буюк мақсадлари сари дадил юришида бирлаштирувчи, жиқлаштирувчи қудратли куч бўлиб қолади. Айниқса, ёт мафқуралар таҳдид солиб турган бугунги кунда ягона миллий мафқура ҳаётини заруратдир. Шундай экан, жойларда фарзандларимизнинг мафқуравий иммунитетини кучайтириш, миллий истиқлол мафқураси концепциясининг ҳар томонлама мукамал бўлиши, унда қандай мақсадлар ва қандай устувор ғояларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги қучур муҳокама қилинмоқда.

Миллий мафқураси мустаҳкам бўлган халқни ҳеч қандай куч енголмайди, уни танлаган йўлидан ҳеч қачон қайтаролмайди. Худди шу маънода ҳам Президентимизнинг ягона миллий мафқурани шакллантириш ҳақидаги қимматли фикрлари ғоят ибратлидир.

Биз мустақил давлатда хурфиқлик шароитида яшаймиз, эркин фуқаролик жамияти курашимиз. Озод ва обод Ватани, унинг жаҳоний шухратини ихтиёр этганимиз бос, янгира яшаш ва меҳнат қилиш заруратини англаймиз.

Хуш, бизни нурли манзилларга етакловчи, фаровон ҳаёт куришга ундовчи куч қарда?

Мафқурада, уз миллий мафқураимизда-да! Зотан мустақил демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш, уни сиёсий томондан бошқариб боришда аниқ-равшан ифодаданган мафқуранинг бўлиши сув ва аводек зарур. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ижтимоий-сиёсий тузумнинг моҳияти, унинг ўтмиши, тарихи, келажаги тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса, бош берк қунага кириб қолиши мумкин. Миллий мафқуранинг аҳамияти, зарурати ҳам ана шунда. У жамиятнинг кузи, ақл чирогидир.

Хуш, мафқура узи нима? Бизга қандай мафқура керак? У қайси ҳолда миллийлик касб этади? Миллат манфаатларини, саясий ҳаракатларини қай тарзда бирлаштира олади?

«Индилликда ядро майдонларида эмас, мафқура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади».

(Президент Ислон КАРИМОВнинг «Fidokor» газетаси мухбири саволларига берган жавобидан).

Менимча, миллий мафқуранинг асосий негизларидан бири-миллий гурулдир. Миллий гурур дегани ҳар бир фуқаро ўзбек халқининг, миллатининг ўтмишида ва ҳозирги кунда жон халқлари цивилизациясига қўшган ва қўшаётган жаҳоншумул моддий ва маънавий қиссаларни тўғрисида пайдо бўлган ва бўлаётган қувончли ҳиссиётлар, мағрурланиш, кутаринки кайфиятини тўшунмоқ лозим. Узққа бориб утирмайлик, мана масалан, ўзбек халқининг бирик алоқаларини-нархум академик Т. Саримсоқов, С. Сиरोждинов, А. Хамроев, Қори-Нивзийларнинг фан оламида қилган буюк кашфиётлари ва хизматлари жон халқларининг тан олиши ва Фахрий китобда уз ақсини топиши — Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир

заңиялашган жаҳон халқларидан қолишмаслигини, улар билан тенг мулоқотда бўлаоладиган даражада заковатга эга эканлигини курсатади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан кейин БМТ аъзолигига қабул қилиниши, улаб хорижий давлатларнинг уни тан олиши ва ижтимоий, маданий, иқтисодий соҳалар бўйича қўллаб битимлар тузиши ҳам миллий гуруримизни оширади.

Миллий мафқуранинг яна бир асосий негизларидан бири — миллий ифтихордир. Миллий ифтихор кўпинча ўзбек халқининг узиға хос тили, маданияти, санъати, урф-одатлари, турмуш тарзи, кийиниши, анъаналари, бой маънавий-тарихий обидалари билан боғлиқ бўлган бебаҳо хазиналари борлиги ва хазиналардан ўш авлодини баҳраманд этиш билан боғлиқ бўлган жаравндир. Дарҳақиқат, жаҳон миёқсидида ўзбек халқи узининг қулочлилик санъати, тарихий обидалари, миллий кийимлари, меҳмондорчилик, меҳнатсеварлиги, меҳр-оқибати каби бой фазилатларға эга бўлганлиги билан жаҳон халқларининг хурматиға сазовор бўлаётганлигини Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳис этмоқда ва бу билан фахрланмоқда. Кичиқ биригина мисол. 1999 йилнинг баҳоридида санъаткоримиз Муножот Йулчиёвнинг Парижда, Швейцарияда уз маҳоратини намойиш этиб, ўзбек мақом ашулаларини

қойилмақом қилиб ижро этиб, катта хурмат ва эҳтиромға сазовор бўлди. Бу ҳар бир фуқарода миллий ифтихор туйғуларини уйғотади. Юртбошимиз миллий мафқура масалаларига оид эътибор берган ҳақидаги мақолада, одамларни алдаш, қинғир йўллар билан пул топиш, кузбўямачилик қилиш, порахўрлик билан бойлик тушлаш мафқураси, психологияси, инсонийликға таъмонан ётир. Сиз маънавий қашшоқсиз, Сиздек одамларни узини Ўзбекистон фуқаросиман дейишиға маънан ҳақлари йўқ, деб ўйлайман, — жавоб берди мафқурачи йигит.

Ма, ижтимоий ҳаётда газак ҳисобланган бундай салбий иллатлар умуминсоний қадриятларға, одам нафосиятиға қаттиқ тегади. Бундай нохуш ишларнинг олдини олиш, унга йўл очиб бермаслик учун миллий мафқуранинг барча воситаларини сафарбар этишимиз лозим. Инсониятга эид бўлган ҳар қандай салбий иллатға қарши кураш, ҳалол меҳнат эъзағига яшаш тўғрисидаги мафқура, ғоялар ҳар бир шахсининг, мафқуранинг эҳтиёжи бўлиши керак. Келажаги буюк бўлиши Ўзбекистон давлатининг ҳақиқий ворислари, меросхўрлари ёшлар ҳисобланади. Бас, шундай экан, ҳозирги замонда яшаётган ёшларнинг онигаға Ватанини севиш, умуминсоний, ахлоқий қадриятларини синдириш, миллий ўзлигини англаш, меҳр-шафқатли, виждонли, андишли қилиб тарбиялаш бош йўлимиз бўлиб қолаверади. Шу уринда жойларда-мақтабларда, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Ватанини севоқ-иймонданнинг» мавзусида тез-тез курик-танловлар утказиб туриш керак. Бу ёшларимизни зарминға нисбатан муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш, ардоқлаш, раванқ топишиға хизмат қилишиға чорлайди.

Ўзбекистон раамзаларининг маъносини билмаган ҳар бир инсон ҳеч қачон маънан республикамиз фуқароси бўлолмайди. Бу миллий мафқуранинг бош мезони. Шунинг учун ҳам зиёлилар, халқ маорифи хадимлари ёшларни мактаб тарихидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси давлатининг ғарби, мадҳияси, байроғида ақс эттирилган раамзаларнинг моҳияти ва мазмунини улар онигаға синдириши лозим. Давлатимизнинг Ассий Қонуни ҳисобланган Конституцияни яхши ўлаштириш учун барча интеллектуал қобилиятини сафарбар этмоқликлари керак бўлади.

Бир суз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан олдинмигда қўйилган асосий вазиға-жамиятимиздаги барча соғлом қуларнинг салоҳиятини миллий мафқураимизни ривожлантиришиға ва уни халқимиз онигаға синдиришиға ҳаракат қилишдан иборат.

Хамид КАРИМОВ, Алишер Навоий номидида Самарқанд Давлат университетини сибсатушнослик кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Партия ахбороти

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг мажлислар залида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги иккинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Республика Олий Мажлиси биринчи ва иккинчи сессияларидаги маърузасида сиёсий партиялар ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари асосида вилоят партия ташкилоти олдига турган вазифалар тўғрисида»ги масала куриб чиқилди.

Маърузачи — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи котиби Т. Иргашев ва маъруза юзасидан муҳокамада қатнашган нотиклар Юртбошимиз нутқларидан қўйилган вазифалар мазмунини ва моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, партия аъзолари, фуқаролар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш кераклиги, шу билан бирга жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш, партия аъзолари ва фуқаролар сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш борасида бир қатор тадбирларни баҳориш кераклигини таъкидладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Республика Олий Мажлиси депутаты, Ўзбекистон Фанлар академиясининг акадemiги, Тошкент Давлат биринчи тиббий институтини ректори Турғунпўлат Даминов қатнашди ва нутқ сузлади.

Пленумда қурилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Маҳмуд МУЙДИНОВ.

Туркум

ЮРТНИ АРДОҚЛАСАНГ — АРДОҚЛАЙДИ ЮРТ

6. ЭЗГУЛИК ДАРАХТИ

Дўстлик боғини мудом кўкартираётган эзгу мақсадли кишилар жуда кўп. Биргина Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилганлигининг ўзи маданиятимиз илдизи ягона эканидан дололат бермайди? Хўш, умуммаданиятимиз чирогои ёркироқ шуьла сочган маҳал қандай ҳодисот юз бериши мумкин? Бундай маънавий ёруғликда эзгулик дарахтлари қай йўсинда кўкка бўй чўзаркин? «Халқ илмий-тадқиқот ташкилотлари ва тадбиркорлик таркибларининг Марказий Осиё ассоциацияси» Ўзбекистон — Қозоғистон — Қирғизистон-Туркменистон кўшма корхонаси аллақачон иш бошлагандан кўпчилик яхши хабардор. Ассоциация пойтахтимиз Тошкентда жойлашган. Шунингдек, унинг Олма-Ота, Бишкек, Душанбе, Ашхабод шаҳарларида ҳам ўз ваколатхоналари мавжуд.

Маган экан. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркмен ишбилармонлари, тадбиркорлар ҳамкорликда талай ишларни амалга оширмоқдалар. Улар узиға хос иқтисодий маконни вужудга келтиришға уз хиссаларини қўйишлари мумкин. Харақатга баракат, деганлари бежиз эмас... Зотан, «Халқ» ассоциацияси Марказий Осиё республикалари иқтисодиётидаги интеграция жараёнлариға қумаклашди. Чет эл сарможаларини янада фаолроқ жалб қилишға харақат қилади. Албатта, ассоциация таркибига кирган тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатлари қонунан ҳимоя қилинади. Ҳамкорликдаги харақатлар мувофиқлаштирилиб, улар фаолияти кенг йўлга қўйлади. Иқтисодий интеграция жараёнини чуқурлаштириш учун фаол курашди. Хуллас, биз учун муҳими — амалий ишларда узлигимизни намоян этиш.

Гишт заводи курагимиз. Бу завод Марказий Осиёдаги энг йирик заводлардан бири бўлиб қолади. Унда жаҳон андозлариға мос келадиган сифатли гиштар умумий сонни олтиш миллион донаға етмайди. Қолаверса, улар ишлаб чиқарилаётган гиштар сифати ҳам замон талаби даражасида эмас. Янги заводда ишлаб чиқариладиган гиштар сифатиға эса уз кузини билан курганда баҳо берасиз. Замонавий гиштаримиз биринчи ғалда мамлакатимизда шаҳар ва вилоятларида қад ростлашган янги иншоотларға ишлатилади. Иккинчидан, сунги йилларда қўллаб қишиларимиз куришган эътибор берсангиз, ҳавасингиз қолади. Одамлар чет элларда куриб, ҳавас қилиб келишган иморатларға ухшатиб чиройли уйлар кургиси қолади. Албатта, шунга яраша сифатли гиштарға эҳтиёж ортиб бораверади. Замонавий одамларнинг ҳам талаб-эҳтиёжларини қондириши шубҳасиз.

— Яна бир тарафдан қанчадан — қанча меҳнаткашлар иш билан таъминланади... Заводда уз сменада 240 нафар ишчи фаолият курсатади. Истиқболда завод внида мрамар цехи ҳам куриш ниятидамиз. Унга ҳам унлаб ишчилар жалб этилади...

«Энг улуг, энг азиз» танловига

Бу курилишининг тамал тоши 1992-94 йилларда туркиялик курувчилар томонидан қўйилган эди. Улар Германия заводларидан андоза олиб курилишни бошлашган. Бирок, айрим сабабларға кура курилиш ишлари улда-жудда қолиб кетганди. Биз уша чала курилган заводни сотиб олиб, бунёдкорлик ишларини поёниға етказилмиз.

— Завод қачон ишга тушади? — Шу йил охириғача. Бу — юртимиз мустақиллигининг туққиз йиллигиға совгамиз бўлади.

— Янги заводда ишлаб чиқариладиган гиштар узимизникидан фарқ қиладими? — Албатта. Курувчилар собиқ шуру даврида ишлаб чиқарилган «пишиқ гишт»ларға ўрганиб қолишганди. Негаки, эски «совет технологияси» ишлаб чиқарган гиштар билан илгор замонавий технология ишлаб чиқарган маҳсулот ўртасида анча-мунча фарқ борлигини билишмаган. Биз учун жаҳон эшиклари очилган, илгор хорижий давлатларға бориб, у ердаги тараққийоти уз кузимиз билан курганимиздан кейинги қанчалик замондан орқада юрганимизни англадик. Янги заводда автоматлаштирилган технология ишлайди. Йилги-ма турт хилда йилға 64 миллион дона сифатли гиштар ишлаб чиқаришиға эришамиз. Бу рақамни таққослайдиган

Қалбиди яратиш туйғуси жуш ураётган Абзал ака Азизов уз жамоаси, ҳамкорлари билан бошлаган эзгу ишлари ҳақида туққиланиб сузлайди. Юртимиз истиқлолини улкан дарёға қиёв этсак, у лоқал битта ирмоқ бўлиш орузида! Бунга қанчалик эришишни келажақ курсатади, албатта. Эларни элларға, дилларни дилларға боғлайдиган куч нима? Бу — ҳаёт мазмунини ташкил этувчи маънавий сарчашмалар, маданият, санъат, бунёдкорлик ва муштарақ мақсадлардир. Ана шундай эзгулик дарахтини ундирши мақсадида «Халқ» ассоциацияси Марказий Осиё миқёсида узининг дадил қадамларини ташлаётган экан, келгусида у дунёға ҳам довуқ таратишиға ишонса бўлади.

Тўлқин ЭШБЕК.


Нонга ҳиёнат — элга ҳиёнат

ҶАРОМ ЛУҚМА...

ёки «Ўздонмахсулот» Давлат ҳиссадорлик корпорациясидаги фирмалар хусусида

Халқимизда «Эл оғзига элак тугиб бўлмайди», деган гап бор. Яхшидир, ёмондир, ҳар қандай воқеа, ҳодиса эл оғзига тушади, ҳар хил миш-мишлар, талқинларга сабаб бўлади. Олим Отаев ҳақида ҳам бугун шундай гаплар юрибди. Биров ундай деса, биров бундай дейди. Отаевнинг номи ҳатто чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам пайдо бўлди. Айрим газеталар, радиостанциялар ундан «қаҳрамон» ясашга уринишмоқда.

Инсон шахсияти унинг ҳатти-ҳаракати, амаллари маънавияти билан белгиланади. Модомики, шундай экан, келинг, Олим Отаевнинг шахсиятига бир назар ташлалик.



Олим Отаевга жуда катта ва муқаддас даргоҳ — «Ўздонмахсулот» Давлат ҳиссадорлик корпорацияси раислиги ишониб топширилганди. «Муқаддас» сўзига ургу беришимизнинг боиси шундаки, халқимиз нонни жуда эъзозлайди. Зеро, нон қадим-қадимдан тўқлик, фаровонлик, тинчлик, хотиржамлик, поклик тисоли бўлиб келган. Кексаларимиз ҳозиргача ёшларни унинг бугдойга тўлсин, деб дуо қилишади. Оқибатсизлик, элга, юртга ҳиёнатни қоралаганда халқимиз нафратини битта сўзга мухтасар ифода қилиб қўқолади: — Нонкур!

Хуллас, нон тушунчаси фақат моддий эҳтиёж эмас, ахлоқий маънавий қадрият сифатида ҳам халқимиз онгидан мухтакам ўрин олган.

Фалла мустақиллиги учун кураш — истиқлол тарихимизнинг тарихий қисми. Зеро, нонни бутун халқгина бировнинг қўлига қарамайди, қадр-қиммати билан тутади.

Жаноб Отаевга топширилган вазифанинг нечоғди муҳим ва масъулияти эканлиги энди аён бўлган. Афсуски, Отаев мана шу ишонччи оқламади. Халқимизнинг нонини бутун қилиш урнига уни «туя» қилиш йўлига ўтди.

«Ўздонмахсулот» Давлат ҳиссадорлик корпорацияси тизимидаги талон-тарожиқлар юзасидан қўзғатилган жиний иш тафсилот-

лари билан танишсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бу қингир ишларда қимларнинг қўли йўқ дейсиз?! Корпорация раисининг ўзи, унинг муовини, укаси, ўғли, қизи, яқин таниш-билишлари, қўл остидаги ходимлар... Хуллас, маълум маънода оилавий, маълум маънода нафс балосига йўлиққан қимсаларнинг уюшган жиний гуруҳи! Гапни чўзмай мисолларга мурожаат қилайлик: Юнусобод туманидаги масъулияти чекланган «Уч қаҳрамон» (номини қараган-а!) жамияти яқин-яқинларгача йўқлик нималигини билмай, фақат гуллаб-яшнади. Бу гуллаб-яшнаш зурвонлик, бошқаларнинг оғзидангина тортиб олиш эвазига бўлганини ҳамма ҳам билвермайди. Жаноб Отаев бошқа корхона ва таъкилотлар учун ажратилган фондларни асоссиз равишда қисқартириб, тонна-тонна унинг укаси Сафар Отаев раҳбарлик қилган корхонага келиб тушишини таъминлаб турди. Бу ҳам етмагандек, атай нарҳини тушириб, расмий ҳужжатлари қалбақлаштириб, уларга сохта маълумотлар киритиб, корпорация таркибидеги «Уч қаҳрамон» тармок корхонасини уюшган жиний гуруҳи аъзолари — укаси С. Отаев, ўғли Қ. Отаевга хусусий мулк қилиб берди. Отаевнинг бундай хотамтойлиги тўғрисида корпорация 25,1 миллион сўм моддий зарар қўрди. Отаев укаси, ўғлини сийлаш билан қаноатланмади: ахир қиз ҳам фарзанд. Уни ҳафа қилиш яхши эмас-

да! Отаев қизи Н. Отаева номига расмийлаштирган «NZI» фирмаси учун корпорация биносидан жой ажратиб, хоналар таъмирига 70 миллион сўм маблағ ажратди. Қизининг гайриқонуний бойишига шароит яратиш учун «Галлабанк»дан 260 миллион сўм миқдорда кредит олиб берди. Бевосита узига буйсунувчи корхона ва таъкилотларга дон маҳсулотлари учун ишлатиладиган қопларни айнан «NZI» фирмасидан бандон нарҳларда сотиб олиш ҳақида ноқонуний топшириқ берди. Н. Отаева раҳбарлигидаги бу фирма фақатгина воситачилик қилиб, арзонга сотиб олган қопларни қимматга сотиш эвазига корпорация тизимидаги корхона ва таъкилотларга жуда катта моддий зарар етказди. Кредитга олинган пулларнинг 120 миллион сўми И. Ливерко раҳбарлигидаги «Форум» тармок корхонасига ўтказилиб, талон-тарож қилинди.

О. Отаев давлат мулкни талон-тарож қилишнинг давом эттириш мақсадида уюшган жиний гуруҳ аъзоси Л. Юрєева номига «Янги замон» Узбек-Америка қўшма корхонасини ташкил этган, 573 миң АҚШ доллари миқдорда Устав фондини туламасдан қўшма корхонани рўйхатдан ўтказишга эришган. Отаев Тошкент шаҳрида жойлашган, корпорация тасарруфига бўлган, ўз фаолияти билан давлат ва корпорацияга фойда келтирилган унта «Дока-хлеб» корхоналари-

ни «Янги Замон» қўшма корхонасига сотиб юборган. Бу олди-сотиқ давлат манфаатларига мос тушмаслигини билган ҳолда у шу ишга қўл урган. Нархи атиги 3,1 миллион АҚШ доллари миқдорда белгиланган мазкур корхоналар осонгина қўшма корхона тасарруфига айланган. Шуниси қизиқки, қўшма корхона раҳбари Л. Юрєева «Дока-хлеб» корхоналари учун корпорацияга бир сўм ҳам пул ўтказмаган. Мазкур корхона маҳсулотлари савдосидан тушган жами 67 миллион сўм пулни банкка топширмадан, ўзи ва жиний гуруҳ манфаатлари учун совурган, давлат бюджетига туланиши лозим бўлган солиқлар туловидан буйин товлаган.

Шу йилнинг 29 мартда С. Ниезов ва С. Отаевлар жиний ишда айбланувчи тарихида иштирок этишга жалб қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг муайян бандлари билан айб эълон қилинган ва эҳтиёт чораси сифатида улар қамоққа олинган эди.

Тергов жараёнида О. Отаев, Н. Отаева, Қ. Отаев ва Л. Юрєевалар жавобгарликдан қутулиш мақсадида қочиб яширинишди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор бандлари ва моддалари билан айблов эълон қилинган мазкур шахслар устидан жиний иш қўзғатилиб, қидирув эълон қилинди.

Л. Юрєева Россия Федерациясининг Саратов вилоятида қочувчи юрганилиги аниқланди.



Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан Россия Федерацияси Бош прокуратурасига Л. Юрєеванинг жиний ишлари бўйича тақдим этилган ҳужжат асосида Россия Бош прокуратураси ходимлари томонидан Л. Юрєева шу йилнинг 28 майда қўлга олинди, тегишли тартибда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилди. Бугунги кунда Л. Юрєевага нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

О. Отаев, Н. Отаева, Қ. Отаевларни қидириб топшига қаратилган тезкор ҳаракатлар давом этмоқда.

Маълум сабабларга қўра Олим Отаевнинг барча кирдикорларини қаламга олмадик. Аммо бир нарсга ёмон: ҳаром луқма тешиб чиқади. Халқ мулкига қўз олайтирган, виждон-имонини унутган бу харис қимсалар эрта-кечи барибир одил суд олдида жавоб берадилар.

Мухаммад РАҲМОН.

Ислоҳот ва самара

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК-ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК

Мустақил мамлакатимиз дадил қадамлар билан янги — XXI асрга кириб бормоқда. Бундан тўққиз йил илгари эзгу ниятлар билан бошланган ишлар бугунги кунга келиб ўзининг беқиёс самарасини бермоқда. Чунки истиқлол яратиб бераётган чексиз имкониятлар ҳаммага яққол намойиш бўлаётди. Ҳар бир соҳада, ҳар бир тармоқда бошланган ва айни пайтда изчил давом этаётган кенг қўламли ислоҳотлар эса истиқлол яратиб берган имкониятларнинг салмони ошираётган омилларга айланмоқда.



Мустақил мамлакатимиз дадил қадамлар билан янги — XXI асрга кириб бормоқда.

«Узгаримизтаъминот» Давлат акциядорлик жамиятига қарашли Кучлик бирлашмаси бугунги кунда истиқлолимиз боис юзага келган чексиз имкониятлардан самарали фойдаланувчи корхоналардан бири ҳисобланади. 1966 йилда Урта Чирчиқ тумани ҳудудида ташкил қилинган Кучлик ишлаб чиқариш бирлашмаси кишлоқ ҳужалиғи ва иқтисодий тармоғида Тошкент вилояти бўйича муҳим таянч базаларидан бири саналиб, у вилоятнинг барча туманлари ҳужалиқларини ургат ва химикатлар билан таъминлашга иқтисодлаштирилган эди.

1990 йилга келиб мазкур бирлашмага Талаб ака Кулменов раҳбар этиб тайинланди. Бу — лафзи ҳалол, меҳнаткаш, ишбилармон мутахассис ушундай унинг раҳбарлик фаолияти иш сурвати ва сифатида узғариш ясадан бошлади.

Мамакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқибатда ишларнинг кўпчилиги боқимондлик қайфиятига берилиб қолган эди. — Деди Талаб ака Кулменов. — Биз ёмон қайфиятга барҳам бериш чорасини изладик ва тоғдик ҳам. Биринчидан, замонавий ютуқлар ва шартнома усуллари таянган ҳолда иш олиб бораётимиз. Иккин-


чидан, корхонада иш жараёнида меҳнатни янги-дан ва самарали усулда ташкил этганмиз. Ҳа, ишнинг кузини биландиган раҳбар сира адашмайди. Талаб ака Кулменов бирлашма раҳбари йўлида тез-тез қўлаб илмий-тадқиқот институтлари ва хорижий мамлакатлар сармоядорлари билан мулоқотлар ўтказиб туради. Бу мулоқотларда корхона истиқболли асосий масала қилиб белгиланган.

1997 йилда бирлашмамамиз очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилгандан кейин масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этдик — дея сўзида давом этади Талаб ака Кулменов. — Ҳозирги пайтда бирлашмамамизда 110 та ишчи меҳнат қилади. Уларга ишни тўғри ва самарали олиб бориши учун зарур йўл-йўриқлар бериб борамиз. Шу билан биргаликда улардан фойдали тақлифлар ҳам оламиз. Умуман айтганда, аҳил оила каби баҳамжиҳат меҳнат қилишга нима етсин!

Айни пайтда бирлашма тасарруфидида ишчиларнинг бепул иссиқ овқат билан таъминлайдиган ошхона, меҳнат фахрийлари ва кексалар учун чойхона ҳамда маиший хизмат қўрсатиш шахобчалари мавжуд. Тиниб-тинчимас Талаб ака Кулменовнинг сая-ҳаракатлари билан қўшма хайрилик ишларга ҳам бош қўшилмоқда. Жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳамма тарафлама қўллаб-қувватлаш учун кенг қўламли бирдан берилмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад бериб келинмоқда.

Хуллас, «Узгаримизтаъминот» Давлат акциядорлик жамиятига қарашли Кучлик бирлашмаси захматкашлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти йўлида уларнинг қўшма қўли билан улш қўшиб келмоқдирлар.

Миртўра СОБИРОВ, Сайиддин САЙДИСЛОМОВ, «Адолат» мухбирилари.



Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда қурилиб, яқинда тантанали равишда очилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи куну тун одамлар билан гавжум. Бу муқаддас жой халқимизнинг катта бир зиёратгоҳига айланди.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

НИЗО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Самарқанд шаҳар Ф. Ҳўжаев кўчаси 23-уй 52-хонада истикомат қилётган фуқаро М. Мардиевнинг «Адолат» газетасига уй-жой масаласида йўллаган аризаси бўйича суриштирув ўтказилди.

Ариза муаллифи билан фуқаро Р. Жалиловлар уртасида уй-жой масаласидаги келишмовчилик ушбу маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ички ишлар ходимлари аралашуви билан бартараф этилди, бу ҳақда то-

монлар бир-бирларига ҳеч қандай эътирозлари йўқлиги ҳақида ёзма равишда маълум қилдилар.

С. МҮМИНОВ, Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Кеч соат тўққиз. Ибодулло автоназоратчилар иш жойларини кузатиб чиққач, хизмат хонасига қайтиб кирди. Эртанги вазифаларни белгилаб олди-да, кечки ношу та қилиш учун уйига қайтмоқчи эди, бехосдан телефон жиринглаб қолди.



Ибодулло автоназоратчилар иш жойларини кузатиб чиққач, хизмат хонасига қайтиб кирди.

— Алло, булимма командирими? — ҳаяжон билан гапирди кимдир. — Эшитаман! — Сизни Пахтачи туманидан безовта қилишимиз. Зарафшон катта йўлининг 128 километрида нотаниш бир кишини машина уриб кетди.

— Ҳозир етиб борамиз. Ибодулло телефон трубкасини қўйди, ўзи раҳбарлик қилётган тезкор гуруҳ билан воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Катта йул ёқасида йши 30-35 ларга бораган эркак киши қонга беланиб ётибди. Машина урган захотийёк у жон берган, экан.

— Уриб кетган машина қанақа эди? — суради Ибодулло атрофдаги кишилардан.

— Қоронғу бўлганлиги учун машина номерини билмадим, — деди уша атрофда яшовчилардан бири, — лекин, «КАМАЗ» машинаси эканлиги аниқ.

— Менинг назаримда, — деди Ибодулло назир Алижон Турсуновга, — «КАМАЗ» узқққа кетмаган. Шу яқин қишлоқ атрофларида бекиниб турганга ўхшайди. Ибодуллонинг гумони тўғри чиқди. «КАМАЗ» машинаси катта йўлдан қарий олти километр ичкаридаги қишлоқнинг бир чеккасидан топилди. Шофёр жиноят изини йўқотши мақсадида машина балонларини алмаштираётган экан...

Биз ҳижоқ қилаётган воқеа Самарқанд вилояти бўлимма командирини Ибо-

дулло Фармоновнинг хизмат фаолиятидан бир лаҳза, холос. Унинг 21 йиллик хизмати давомида эса ана шундай беором куну-туналар кўп бўлган.

Ибодулло оддий шофёр фарзанди. Отаси Фармон Номозов қарий 40 йил Лангар-кон бошқармасида машина рулини бошқарган. «Интилган толе ёр» деганларидек, 1979 йилда Ибодулло истиқтунни битириб, олий маълумотли диплом билан Навоий автомобил йул қурилиши трестига ишга келди. Кўп утмай ҳарбий хизматга қақирди.

Хизматни муваффақиятли утаб келгач, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автоназорат бўлимининг йул патрули катта инспектори вазифасида ишлади.

1955 йилда Ибодулло Фармонови Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автоназорати бўлиммаси томонидан автомобилларни руйхатла олиш ва имтиҳон қилиш бўлимининг катта инспекторлигига ишга тақлиф этганлариди у сира иккиланмай ана шу ерда хизмат фаолиятини давом эттирди.

Кейинчалик Каттақўрғон шаҳар ва туманлараро бўлимма командирини этиб тайинланди. Қасбига садоқатли, эл-юрт хизмати учун тиниб-тинчимас Ибодулло Фармонов янги вазифани гайрат ва

шижоат билан бошлади. Ишга келган дастлабки кунларданок у жамоа уртасида тартиб-интизомни тўғри изга солди. Ходимларни ҳалол хизмат қўрсатишга, кеча-ю кундуз йўлда осойишталик бўлишлиғи учун хушёр туришга чорлади. Айниқса, рулда ичиб, маст ҳолда автоомобилларни бошқарётган ҳайдовчиларга нисбатан қаттиққўл, энг муҳими, катта йўлларда ҳалокатларни олдини олиш зарурлиги ҳақида чора-тадбирлар белгилади. Рота хизмат қиладиган ҳудудларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тезкор гуруҳлар ташкил этилиб, рейдлар ўтказила бошланди.

Ана шу тadbирларнинг қўлчилигида Ибодулло Фармоновнинг ўзи бевосита иштирок этиб, йул қондалари ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазаларини изхор этди. Айниқса, Султонобод, Мирбозор, Каттақўрғондаги ДАН масканларида ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлгини тарғибот ва ташвиқот қилувчи кургасмали шiorлар ташкил этилди. Мақтаб ва мактабгача бўлган таълим ва тарбия муассасаларида ёш назоратчилар отрядларининг навбатчилиги ташкил этилди. Мақтабларда эса 17 соатлик дарсларнинг утиллиши назорат олинди. Ушбу масалада эса, бўлимма томонидан ўқитувчиларга амалий ёрдам қўрсатилди.

Ибодулло Фармонов фақат хизмат жараёнида эмас, оилада ҳам ана шундай қаттиққўл ва меҳрибон киши. Шунинг учун ҳам фарзандлари Улугбек, Дилфуза, Жаҳонгир ва Жамшидjonлар уларнинг аъло ҳулқлари, одоб-ахлоқлари билан кўпчилики намунадилар.

Аскар ЖАЛИЛОВ, Ҳамроқул ШОДИЕВ.

ҚОРНИМГА ЭМАС ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

— Алло, ассалому алайкум, болаларим! — Ва алайкум ассалом, отахон. Хуш нима гап? — Гап бундай. Мен Марғилон шаҳридан қўнғироқ қилганман. Туттаги маҳалласининг Тинчлик кўчасидаги 476-Б» уйда яшайман. Ешим 83 да. Исмин Анвар, фамилиям Ботиров.

«Адолат» газетасини яхши қўраман. Қизиқ-қизиқ мақолалар босиб билан бир қаторда одамлар дардига малҳам бўлаётганингиздан хабардорман. Зора мени қийнаётган муаммони ҳам ечишга ёрдам берсангиз.

Мен 1941 йил 11 июлда урушга кетганман. Ҳаёт-мамонт жанглариди қатнашдим. Насибам бутун экан, юртимга соғ-омон қайтдим. Қасбим фельдшер. Урушда ҳам, урушдан кейин ҳам шу қасбимда ишлаганман.

«Сергак телефон» хизматингизда

АЗИМ ШАҲАРДАГИ ХАРОБ КҮЧА

1977 йилда нафақага чиқдим. Лекин нафақам негадир жуда кам. Шу пайтгача уруш қатнашчиларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланган эмасман. Маҳалладан ҳам, бирорта ташкилотдан ҳам ёрдам олмаганман. Хуллас, уруш қатнашчисига бериладиган имтиёзлардан бегонаман.

Худога шукр, Озодахон қизим менга қарайди. Аммо «қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», деганларидек урушда иштирок этганлар ҳурмат-иззатда бўлсаю, мен четда қолсам. Одамга алам қилар экан.

Ҳозир касалман. Турмуш уртоғим вафот этган. Юқори ташкилотларга боролмайман. Зора, сиз газета ходимларининг кумаги билан мен ҳам бошқалар қатори имтиёзларга эга бўлсам, деган умидда қўнғироқ қилганман-да...

— Ҳурматли Анвар ота! Биз аризингизни Фарғона вилоятидаги муттасадиларга етказиб қўямиз. Уйлаймики, улар сиздек Ватан озодлиги йўлида жанг қилган одам тақдирига бефарқ қарашмас...

қилинмаган. Ёзда чанг, қишда балчиқ. Электр учун столбаларни шовманшоарлик билан орни қовлаб, бетонламай урнатиб кетишган. Шу сабабли уларнинг қўли қийшайиб ётибди. Хануз ток берилмаган. Газ, канализация ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Кучамизнинг номи «Ҳасанбой-2» деб аталади. Аммо уйлар хануз рақамланмаган. Наҳотки, Тошкентдек шаҳри азимда ҳалигача шундай хароб жойлар бор бўлса, деб уйлариш. Бор. Ишонмасангиз келиб қуришингиз мумкин.

— Асқар ака! Биз сизнинг фикрларингизни Юнусобод туман қоронимлигиди уртоқларга албатта етказамиз. Улар сизлар билан учрашиб, албатта масалани ижобий ҳал этсалар ажаб эмас...

«Сергак телефон»да Каримжон РИХСИЕВ, навбатчилик қилди.

Тиббий ўғитлар ХУРРАК ДАВОСИ

Хуррак одатда танглай лак-луки мушакларининг таранглиги сусайгани туфайли вужудга келади. Базилларнинг хурраги шундай кучли жаранглайдики, шовқини ҳатто 70 децибелдан ҳам орттириши мумкин.

Минскилик шифокорларнинг муолажа усули танглай лак-лукини «музлатиб» қуйишдан иборатдир. Бир галги муолажадак хуррак буткул йўқолиши ёки жилла курса, анчагина камайиши мумкин.

Ширин сўз — одамлар қалбини боғловчи занжирдир.

— У ёқ бу ёққа баъзида ёрдам сўраб хат ёзишимизга тўғри келади. Аммо айрим ҳолларда баъзи мансабдорлар бунга бепасанд қарайдилар. Айтингчи, қонунийликмида бундайларга нисбатан жазо чоралари қўрилганми?

— Шахсий автомобил бор. Агарда ундан ишонам учун фойдалансам, кетган харажатларни ундириб олишим мумкинми? А. УРОЛОВ, Қарши шаҳри.

— Агар янги тузилган чақалоққа дарҳол товуқ тухуми курсатилса, у умрбод бой бўлиб ашайди. ... Бой бўлишни хоҳласанг, тунда елканг оша янги чикдан ойга қара.

ДОНОЛАР ДЕЙДИ

• Ҳалол одамни таъкиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайд.

• Одам қанчалик ақли ва эпчил бўлса, ҳалоллигини йўқотиш билан шу қадар бадхоҳ, адоватчи бўлиб қолади.

• Инсонда доимо турадиган хусн ва латофат ҳаё ила ифбатдир. Ҳавсиз юз жонсиз жасад кабирдир.

• Кучли одамлар ҳаммаша оддийдилар.

• Ҳамма нарсада, ҳатто камтарликда ҳам меъёрни билич керак.



— Буважон, мен ҳам сизга ўхшаган асалчи-фермер бўламан...

Диққат, товламачи!!!

Уйлари орти ой муддатга гаров тарзида нотариал идорасидан Йулчиёвага расмийлаштириб бериш шарт билан ўнинг 30 миң АҚШ долларини 15 фоиз фойда бериш ҳисобига «қарз»га олишади.

«Мулла жиринг» қанча кўпайса шунча яхши» деган шиорга амал қилган М. Аҳмадхужаева ва Т. Муминовалар шунча пуллик бўлиб олсалар ҳам «хунар»ларини сал бўлса-да тухтаб турмадилар.

Юсупова 20 миң долларни топиб берди. Муминова эса пулни кунжигари уриб Ж. Арумановани «чув» тушириш сари шошилди.

«Ақбар турдиев, Тошкент шаҳар Прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимининг алоҳида мумҳин ишлар бўйича катта терговчиси, иккинчи даражали юрист. Мурод КАЛОНХОНОВ, «Адолат» муҳбири.

УЧ ДУГОНА ФИРИБГАР

ёхуд пул топиб, ақл топмаган пулдорларнинг лақмалиги хусусида

«Мулло жиринг» қанча кўпайса шунча яхши» деган шиорга амал қилган М. Аҳмадхужаева ва Т. Муминовалар шунча пуллик бўлиб олсалар ҳам «хунар»ларини сал бўлса-да тухтаб турмадилар.

Жуми бақоринг

Бир бадавлат киши ўз уйининг эшигига шундай сўзларни ёзиб қўйган экан: «Илоҳим, бу остонага бирорта ҳам ёвузнинг қадами тегмасин!»

«Кавказ асираси» фильмидаги Курок саҳрода кетаятиб, «Саҳронинг оппоқ офтоби» фильмидаги Сухова дуч келибди.

«Жуми бақоринг» фильмидаги Курок саҳрода кетаятиб, «Саҳронинг оппоқ офтоби» фильмидаги Сухова дуч келибди.

«Жуми бақоринг» фильмидаги Курок саҳрода кетаятиб, «Саҳронинг оппоқ офтоби» фильмидаги Сухова дуч келибди.

«Жуми бақоринг» фильмидаги Курок саҳрода кетаятиб, «Саҳронинг оппоқ офтоби» фильмидаги Сухова дуч келибди.

МАРАКАМЛАР

- КҮЙ (21 март — 20 апрель) Душанба кунини шартномадор имозлаш, шунингдек бошқариш қозғаларини расмийлаштиришда сизга омад қилиб боқад.

АДОЛАТ. Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ. Таҳрир ҳайъати: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улуғбек ДОНИЕВОВ, Анвар ЖҲАБОВЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲАБОВЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа РАХИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равайн ХАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод КИРҒИЗБОВЕВ. Муроқот учун телефонлар: Кабулхона — 133-41-89, Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64, Эълоилар бўлими: 136-55-96. Навбатчи — Илҳом СИДДИКОВ. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 537, ҳажми—2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди. Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фавқулодда жавоб берилади. Қўёймалар муамлифарга қайтарилмайди. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаканаси. Қорхона манзили: «Буёқ Уро» кўчаси, 41. Босилган тиражнинг вақти—20.00, Босилган тиражында 22.00. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси—32.